

## **СУРУНКАЛИ ЖИГАР ЕТИШМОВЧИЛИГИДА УЛЬТРОТОВУШ ТЕКШИРУВИНИНГ АХАМИЯТИ.**

**Каримов Расулбек Хасанович<sup>1</sup>, Фозилова Зарнигор Мавлановна<sup>2</sup>,  
Абдуллаева Дилноза Қузибаевна<sup>3</sup>.**

Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали “Патоморфология” кафедраси  
доцент (PhD)<sup>1</sup>.

Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали “Харбий дала терапияси,  
гематология ва диагностика” кафедраси ассистенти<sup>2</sup>.

Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали клиникаси врач<sup>3</sup>.

**Мавзунинг долзарблиги:** Сурункали жигар етишмовчилиги (хроник жигар етишмовчилиги) — бу жигарнинг узок муддат давомида паталогик жараенлар таъсирида шикастланиши ёки қон айланиш тизими керакли даражада ёрдам беролмаслиги натижасида юзага келадиган хасталик. Бу хасталик турли сабаблар туфайли ривожланиши мумкин. Масалан: вируслар, яъни гепатит В ва С турлари, алкогольлик жигар касалликлари, жигар тўқималарининг зарарланиши. Ушбу касалликни эрта аниқлаш ва динамик назорат қилишда ултратовуш текширувининг ахамияти катта.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, ҳар йили жигар циррозидан 300 000 киши вафот этади. Ўзбекистонда сурункали жигар касалликлари, айниқса, вирусли гепатитлар ва жигар циррози билан боғлиқ ҳолатлар кузатилмоқда. 2024 йилда 5813919 нафар одам сурункали жигар етишмовчилиги билан касалланган.

**Ишнинг мақсади:** ишнинг мақсади сифатида Хоразм вилояти Урганч шаҳрида яшовчи сурункали жигар етишмовчилиги билан вилоят юқумли касалликлари шифохонасига мурожаат қилган беморларнинг ултратовуш текширувидан ўтказиш.

**Олинган натижалар:** олиб борилган ултратовуш текширув натижасида жами 97 нафар бемор мурожаат қилган ва ултратовуш текширувидан ўтказилди. Текширув натижалари шуни курсатдики, мурожаат қилган беморларнинг 31 нафарида жигар циррози ташхиси қўйилди. Қолган 66 нафар беморда вирусли гепатитнинг В ва С турлари аниқланди.

**Хулосалар:** хулосада ўрнида шуни айтиш мумкинки, жигар етишмовчилиги билан мурожаат қилган беморларда аниқланган жигар циррози ва вирусли гепатитнинг В ва С турларини ултратовуш текшириш орқали олдини олиш бўйича тиббиёт муассасалари ва соғлиқни сақлаш ташкилотлари билан

хамкорлик қилиш, кўплаб профилактик чоралар амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Sobirjanevich, Y. B., Alievich, M. A., & Xasanovich, K. R. (2024). Этиология Гепатоцеллюлярной Карциномы: Особое Внимание Жировой Болезни Печени. *Research Journal of Trauma and Disability Studies*, 3(3), 26-36.
2. Abdullayev, O. (2024). XORAZM VILOYATIDA GEPATIT S KASALLIGINING TARQALISHI. *AMALIY VA TIBBIYOT FANLARI ILMIY JURNALI*, 3(3), 189-196.
3. Yuldashev, B. S., Abdullayev, U. R., Khodjaniyazov, A. A., & Sultanov, B. B. (2024). HISTOLOGIC AND IMMUNOHISTOCHEMICAL ASSESSMENT OF OF THE LIVER IN PATIENTS WITH CHRONIC HEPATITIS C. " *XALQ TABOBATI VA ZAMONAVIY TIBBIYOT, YANGI YONDASHUVLAR VA DOLZARB TADQIQOTLAR* ", 19, 1-2.
4. Айтимова, Г. Ю. (2017). Ультразвуковой скрининг заболеваний периферических артерий. *Авиценна*, (12), 33-36.